

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Турсунов Шерзод Абдукодирович

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Минтақавий иқтисодиёт ва менежмент кафедраси доценти, и.ф.д.

Аннотация: Ушбу мақолада рақамли иқтисодиётни инновацион ривожлантириш масалалари Ўзбекистон тажрибаси мисолида ёритилган. Мақолада рақамли технологияларни кенгайтириш рақамли иқтисодиётга ўтишнинг асосини таъминлаб бериши ва ушбу йўналишда кадрлар тайёрлаш мамлакат иқтисодиёти ривожланишига, рақобатбардошлиги ошишига катта таъсир кўрсатиши асослаб берилган.

Калит сўзлар: Рақамли иқтисодиёт, глобаллашув, интернет, инновация, тармоқ, нарсалар интернет (IoT), сунъий интеллект (СИ), 3D печат, блокчейн технологиялари, халқаро тижорат.

Глобаллашув даврида интернет ривожланиши билан АКТ соҳаси ривожланиши жадаллик билан амалга ошмоқда. АКТ ни иқтисодиётнинг турли жабҳаларида кенг қўлланилиши жамиятнинг ижтимоий иқтисодий ҳолатини такомиллаштириш, иқтисодий ўсишни барқарорлаштиришнинг асосий омилларидан бирига айланди. Бугунги кунда Интернет глобал тармоғининг катта суръатларда ўсиши аҳолининг кенг қатламларида компьютер саводхонлиги даражасини ошишини, телекоммуникация, компьютер техникаси ва бошқа янги турдаги алоқа воситаларининг ҳамда глобал тармоқ орқали ахборот алмашилишнинг самарали воситалари кенг оммаланишига олиб келди. АКТ ривожланишининг иқтисодий ўсишга таъсири борасида кўплаб олимларни тадқиқотларини келтириш мумкин, хусусан, Х. Сепердост фикрича АКТни иқтисодий ўсишга таъсирининг моҳияти шундан иборатки, АКТдан фойдаланиш иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг турли иштирокчилари ахборотни тез ва осон қўлга кирита олишларидадир. АКТ компанияларга тезроқ алоқага чиқиш имконини беради ва бу билан ишлаб чиқариш харажатларини камайтириб, ишлаб чиқарувчанликни ошишига сабаб бўлади. Шу билан бирга АКТ янги бозорларга чиқиш имконини яратади, капитал харажатларни қисқартиради, натижада молиявий бозорлар фаолиятининг самарадорлигини оширади, даромад ва самарадорликдаги минтақавий тафовутларни камайтиради ва қисман инсон капиталига боғлиқ муаммоларни ҳал этади. АКТ соҳасини модернизация қилиш ва инновацион жараёнларни ривожлантириш интернет ва кенг полосали алоқадан фойдаланишни янада такомиллаштиради ва бу ўз навбатида электрон ҳукуматни қурилишини, ҳукумат бошқаруви самарадорлигини оширишни таъминлаб беради. Шу билан бирга АКТни хусусий секторга кенг тарқалиши давлат томонидан рағбатлантирилиши керак, бунинг учун бир қатор сиёсий тадбирлар, солиқларни камайтириш, электрон тижоратни силжитиш ва телекоммуникация инфратузилмаси ва сервисларини ривожлантиришда В2С ҳамкорликни кучайтиришни талаб этади. Сабаби янги технологиялар инновацион жараёнларни ишлаб чиқиш, жорий этишни жадаллаштиради ва рақобатбардошликни таъминлайди ҳамда иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатади. АКТ соҳаси инновациялар ҳисобига технологик мустаҳкамликка эришса бу мамлакат иқтисодиётини рақобатбардошлигини оширишга имкон беради.

Шу ўринда Президентимиз Ш.Мирзиёевни инновациялар ҳақидаги гапларини келтириб ўтсак: “Халқимиз дунёқарашида инновация муҳитини яратиш энг муҳим вазифамиздир. Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди. Бу соҳадаги ўзгаришларни халқимизга кенг тарғиб қилмасак, одамларда кўникма пайдо қилмасак, бугунги давр шиддати, фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадам бўлолмаймиз. Шунинг учун ушбу фаолиятни замон талаблари даражасида ривожлантириш янги вазирлик, қолаверса, ушбу марказнинг асосий вазифаси бўлиши керак”. Инновацияни барча соҳаларга жорий этилиши аввалом бор инновацион яратувчанлик

мухитини қай тартибда ташкил этилганлигига, бошқарувга ҳамда тартибга солинганлигига боғлиқ. Инновацион яратувчанлик муҳити ҳар бир соҳага ўзига мос ҳолда ёндошувни талаб этади.

Илк саноат революциясини шакллантиришга сабаб бўлган ихтиролардан тортиб интернет пайдо бўлган даврга қадар ахборотни истеъмол қилиш, ишлаб чиқиш ва тижорат қилишга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Технологик инновацияларга сарфланадиган харажатлар сезиларли даражада камайди, бироқ бу глобаллашув давридаги трансчегаравий тижорат ва иқтисодий интеграцияни ўсишини таъминлаб беришини кафолатламайди. Сўнгги йиллардаги технологик ўзгаришлар глобал тижорат интеграциясини келтириб чиқарди десак янглишмаймиз.

Рақамли технологияларни ривожланиши халқаро тижоратни ривожланишига олиб келди. Бугунги кундаги яратилган интернетдан фойдаланувчи инновациялар айнан халқаро тижорат ривожланишига ва харажатларини камайишига таъсир кўрсатади. Нарсалар интернет (IoT), сунъий интеллект (СИ), 3D принтерда печат қилиш ва блокчейн технологиялари халқаро тижоратда даромад олиш имконини максимал кўпайтириб беради. Компьютер технологиялари, ахборотни қайта ишлаш ва алоқа соҳасидаги бундай технологик ўзгаришлар рақамли революцияга олиб келди. Сўнгги ярим аср давомида компьютер технологияси ва уни қувватини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар уни нархини сезиларли даражада пасайтиришга ва шахсий компьютерларни оммалаштиришга олиб келди. Шу билан бирга ўтказиш қобилиятини оширилиши ва алоқа тизими сиғимини кенгайтирилиши интернетни ҳамда мобил алоқа тармоқларини ўсишида катализатор бўлиб хизмат қилди. Шу билан бирга ахборотни аналог шаклдан рақамли ахборотга ўзгартирилиши, ахборотни йиғиш, сақлаш, таҳлил қилиш ва узатиш имконияти анча кенгайди.

IoT кундаликда фойдаланиладиган объектларга аниқ мақсадларга эришиш учун интернет орқали турли ускуналарнинг бир бири билан мулоқот шаклида боғланиш - идентификациялаш, аниқлаш, алоқани ўрнатиш ва маълумотни қайта ишлаш имкониятини таъминлаб беради. IoT истеъмолчилар ҳаётини сифатини яхшилаш ва қулайликлар яратишга хизмат қилади. Ташкилотлар учун IoT махсулот ва ускуналарга техник хизмат кўрсатиш ҳамда янги рақамли хизмат ва махсулотларни сотишда кенг имкониятларни яратиш ҳисобига оператив самарадорликни оширишда ёрдам беради. Бироқ бу технологияни кенг жорий этиш баъзи бир муаммолар билан тўқнаш келиши мумкин. Биринчидан хавфсизлик нуқтаи назаридан муаммоларга дуч келинса, иккинчи томондан телекоммуникацион тизимларда тирбандликка олиб келиши ва ниҳоят барча компаниялар турли ускуналарни тизимга улаш ва ундан фойдаланишга уринишларидаги рақобат сабаб ушбу ускуналар ва уларни уланишда мутаносибликларга дуч келиниши хавфи мавжуд.

Сунъий интеллект (СИ) – рақамли компьютер қобилияти ёки одатда ходимлар билан боғлиқ бўлган вазифаларни, яъни моҳиятини англаш, асослаш, умумлаштириш ёки олдинги тажрибага асосланиб қарор қабул қилиш каби вазифаларни компьютер орқали бошқариш. Бугунги кунда СИ тор доирада вазифаларни амалга ошироқда (масалан, инсон юзини таниш, шахмат ёки бирон бир ўйинни ўйнаш). Бироқ СИ билан бир қатор илмий тадқиқот олиб бораётган олимларнинг мақсади СИ фаолият доирасини кенгайтириш ва умумий кенг доирада ишлашини таъминлаш, инсон ақли доирасидан ҳам кенгроқ, аниқроқ қарорлар қабул қилишини таъминлашга эришишдир. Шу билан бирга СИ инновацион йўллар билан янги ғояларни яратиш, махсулот ва хизматларни ишлаб чиқишни самарадорлигини оширишда қўлланилиши мумкин. СИни ишончлилигини таъминлаш ва ривожлантириш борасида олиб борилаётган тадқиқотлар келажакда ижтимоий йўналишда самарадорликка эришишга қаратилиш эҳтимоли катта.

3D – печать уч ўлчовли қаттиқ жисмни ихтиёрий шаклда рақамли моделдан яратиш жараёни. Ушбу инновацияни ривожланиши ва кенгроқ тарқалиши рақамлашган ва локал махсулот етказиб беришни, энергия истеъмолини пасайтириши, махсулот ҳаётийлик даври билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиши мумкин. Бугунги кунда 3D – печат ривожланишида бир қатор тўсиқлар мавжуд бўлиб уларга зарурий материал технологиялар, ресурслар, норматив ҳуқуқий базанинг етарли эмаслиги ва истеъмол бозорида кенг тарқалиши учун яна бир тўсиқ – унинг нархининг баландлиги ҳисобланади. Рақамлаштириш кенгайиб борган сари иқтисодий фаоллик кўплаб ўзгаришларга дуч келди. Рақамли технологияларга асосланган янги бизнес моделлар пайдо бўлмоқда, сўнгги ўн йилликда интернетга уланиш тезлигини ошириш сабаб рақамли платформалар янги бозори шаклланди. Онлайн интерфаол

веб саҳифалар, иловалар ва ижтимоий тармоқлар маркетинг стратегияларини бир қисмига айланди, бу эса компанияларга миқозлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имконини яратди, натижада онлайн сотувларни ҳажмини оширишга олиб келди. Рақамли технологияларни кенгайтириш рақамли иқтисодиётга ўтишнинг асосини таъминлаб беради ва ушбу йўналишда кадрлар тайёрлаш мамлакат иқтисодиёти ривожланишига, рақобатбардошлиги ошишига катта таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кадыров А.М. и др. «Формирование информационного общества в Узбекистане: зарубежный опыт, тенденции и перспективы», Ташкент, «Iqtisodiyot»-2015 г.
2. Турсунов Ш.А. Телекоммуникация соҳасида инвестиция фаолиятини самарали бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш.// Монография – Тошкент, «TAMADDUN» нашриёти, 2016. – 227 б.
3. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги статистик маълумотлари.
4. «Ўзбектелеком» АКнинг статистик маълумотлари.
5. <http://www.ict.gov.uz> – Координационный совет по развитию компьютеризации и информационно-коммуникационных технологий.
6. <http://www.uzinfocom.uz> – Центр развития и внедрения компьютерных и информационных технологий.